



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 18 август, чоршанба № 114 (761)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

8

йиллиги олдидан



ЖАМҒАРМА МУАММОЛАРИГА ЭЪТИБОР

Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси фаоллари йиғилишида мамлакатимизда ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияси мавзуси муҳокама этилди. Унда жамғарманинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ҳамда жамғарманинг Ўзбекистондаги йирик олий ўқув юртлиари ва саноат корхоналарида ишлаб турган бўлиналари раҳбарлари иштирок этди.

Ёшларни миллий мафкура, мустақиллик гоёяси руҳида тарбиялаш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан биридир, деди «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Х.Абдураимов йиғилишда қилган маърузасида. Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимизнинг келажиги ёшларимиз қандай тарбия олишига боғлиқлигини бир неча бор таъкидлаган. Шу муносабат билан республика ёшлар ташкилоти зиммасига алоҳида мажбурият тушади.

Ишга жойлашмаган йигит ва қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг таълим олиши ва бўш вақтини ташкил этиш, улар орасидан энг истеъдодли йигит-қизларни аниқлаб, уларга ўз қобилиятларини янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа бир қанча муаммолар жамғар-

ма эътиборида турибди. Бу масалаларни ҳал этишда жамғарманинг маҳаллий бўлимлари етарли фаоллик кўрсатмоқда, муайян ютуқларга ҳам эришилди. Бироқ, йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, қилинган ишларни таҳлил этиш сўнги вақтда қишлоқ ёшларига, уларнинг эҳтиёжларига етарли эътибор берилмаётганини кўрсатмоқда. Қишлоқда яшовчи йигит-қизлар мамлакатимизда ёш авлоднинг катта қисмини ташкил этишига қарамай, уларга етарли эътибор берилмапти.

Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тўғрисида алоҳида гамжурлик қилиниши лозим, деди Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Зиё йиғилишда сўзга чиқиб. «Камолот» жамғармаси ва унинг бўлимлари ёшлар, айниқса қишлоқ ёшлари билан ишлаш шакли ва усуллари кенгайтириши, бу ишни беvosита истиқомат жойларида, маҳаллаларда

ўтказиши зарур.

Яқинда жамғарма ҳузурда таниқли шоирлар, адиблар, маданият арбобларидан иборат маҳсул бригадалар тузилди. Улар жойларга бориб, йигит-қизлар билан урчушувлар, суҳбатлар ўтказишмоқда, мамлакатимиз раҳбариятининг жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини янада ислоҳ қилишга қаратилган сиёсатини тушунтириб бермоқдалар. Бу тажрибани ҳамма жойда оммалаштириш лозим, дейилди йиғилишда. Жамғарма мамлакатимиздаги бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириши, маҳаллий ҳокимият органлари билан доимий ҳамкорликда ишлаш лозим. Чунки ёш авлоднинг маънавий, ахлоқий жиҳатдан соғлом, мустақиллик гоёяларига содиқ, бутун кучини Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун сарфлай оладиган қилиб тарбиялашдек муҳим вазифани фақат биргаликдаги сайёҳаракатлар билан ҳал қилиш мумкин. Шундангина салмоқли натижаларга эришиш мумкин бўлади.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Таиланд давлати пойтахти Бангкокда халқаро мусика фестивали бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг бир қанча йирик давлатлари қатори мамлакатимиз санъаткорлари ҳам иштирок этди. Шуниси қувончлики, фестиваль таниқли ўзбек композитори Рустам Абдуллаевнинг фортепиано ва оркестр учун ёзган «Тай оҳанглари» учинчи концерти билан бошланди. Бу асар ижодкорнинг Таиландга бир неча бор қилган

ЎЗБЕК САНЪАТКОРЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

ижодий сафари таассуроти асосида ёзилган. Концертни оркестр жўригида Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси педагоги, халқаро танловлар лауреати Илмира Мирқосимова ижро этди.

Мусика анжуманида, шунингдек, Навоий номидаги Академик катта театр артистлари ижросида учта балет ва Ўзбекистон Давлат симфоник оркестрининг битта симфоник концерти намойиш этилди. Мамлакатимиз санъаткорларининг ҳар бир чиқишини томошабинлар катта оқшлар билан қутиб олди. Фестиваль давомида Рустам Абдуллаев концертининг лазер диски энг янги асар сифатида мусика шайдоларига тўхфа этилди.

(ЎЗА)

1999 йил — Аёллар йили



Хур Ўзбекистонимизда саодатли аёлларимизга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилади. Ҳаётимиз гуллари дея эъозланаётган умри



азизлар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига муносиб хисса қўшиб келмоқдалар. Чапдаги суратда Уйчи туманидаги 37 ўрта мактаб

ўқитувчиси Зоҳидохон Холбоевани кўриб турибди. У аjoyиб фазилати, ташкилотчилиги билан обрў қозонган. Ундаги суратда эса оҳангаронлик маиший хизмат ходими Салимаҳон Қўқорова. Улар Республика бахтли аёлларининг вакиллари. Х.АВВАЛОВ, М.КОДИРОВ олган суратлар.

Янги замон кишилари

Умр оқар дарё. Каранги, эсини таниганидан бўён замин билан тиллашиб, ноз-неъмат етиштирган асл дехкон фарзанди Ширинбой ака шу ёшга кириб кадр топди. Ҳукуматимиз ҳалол меҳнатларини инобатга олиб, «Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвонига мушарраф этди. Қанчалик қувонгани, ҳаяжонланганини фақат ўзи билди. Айни кунларда ҳар кун уйда меҳмон. Ҳатто қўшни вилоятлардан таширф буюрган эски қаддонлари уни самимий муборакбод этишмоқда. Ахир бу муқофот унинг учун гоят қадрли, ардоқли. Боиси, она Ватанимиз — мустақил ўзбек давлати берган биринчи унвон, ўзлигини таниган халқ ҳурмат-эҳтироми.

ЭНГ ҚАДРЛИ МУҚОФОТ

Қадр-қиммат, ҳалол меҳнат ила обрў қозониш улуг иш. Зеро, бундай хурсандчилик онлари ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Эҳ, шу тупроққа бир тил кирсайди, не-не ёвуз, шум қадамлар келтирган ба-ло-ю офатлар, қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилмасмиди. Замин ҳам ёвуз қадамни ҳушламайди. Яқинда нуронийлар бир ажиб воқеани ҳикоя қилишди. Тоғ ён бағридаги азиз авлиёлар ётган қабристондаги 400-500 ёшли писта даҳлатлари ўша ёруғ 1991 йилдан бошлаб ҳосил туга бошлаганмиш...

Асл миришкор ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Мустақиллик қувват бағишлаган Ширинбой ака ўтган йили галла ҳосилдорлигини 56 центнерга етказган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 62 центнерни ташкил этди. Шунингдек, бултур давлатга пахта топшириш режаси 193 фоизга адо этилди. Бу эркин меҳнат шарофати.

Ширинбой аканинг ота-боболари ҳам асл миришкорлар бўлган. Улар Қўшрабат даштларидан кўчиб келишган. Шу ерда оқ-қорани таниди, мактабни биттирди. Сўнг ёшлик шижоати билан далага отланди. Ҳарбий хизматни ўтаган, яна қадрдон қишлоғига қайтди. Куч-қувватга тўлган йигит улуг ишларга отланди. Бу орада уйланиб, бола-чақали бўлди. 1991 йилда уни хўжалик бошқаруви раиси этиб сайлашди. Тўрт йил берилиб ишлади. Ҳаётда нурли из қолдирди. Тўрт йилдан сўнг ўз ташаббуси билан кадрдон бригадасига қайтди.

Бу йил 55 ни қоралади. Минг бор шукр қилса арзийди. Фарзандлари ҳамма ҳавас қилса арзийдиган меҳнатсевар, одамхон инсонлар бўлиб воёга етдилар.

Ширинбой Яхёев мустақиллигимизнинг 8 йиллик тўйига муносиб меҳнат совғаси ҳозирлади. Мевалар гарқ пишган. Сифатли неъмат эл дастурхонига бирин-кетин тортиқ этилмоқда. Уни хурсанд қилган нарса шукки, дехкон энди эмин-эркин, ўз режаларини рўёбга чиқариш имконига эга. Нима экиш, ҳосилни қачон саранжомлаш ўзининг ихтиёрида. Ахир қизил империя даврида ғўза барглари сунъий тўктириш вақти ҳам «юқорининг» кўрсатмаси билан бўларди. Нотўғри сиёсат, маъмурий-буйруқбозлик услуби миришкор шаштини қайтарарди, қутилган ҳосилни олиш имконини бермасди.

Шу боис, Ширинбой Яхёев ёшларга қарата шундай дейди:
— Бу кунларнинг, бахтимизнинг кадрига етинг. Истиклолимизни кўз қорачиғидай асранг!

Я.САРИЕВ.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲАМ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 19 август кун соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диктатиға

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 18 август кун соат 9 дан соат 18 га қадар ва 19 август кун соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллари органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диктатиға

«Ватан тараққиёти» партияси фракциясининг йиғилиши 18 август кун соат 9.30 да Олий Мажлис ҳузурига Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтининг мажлислар залида ўтказилди. «Адолат» Социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши соат 13 да, ҳокимият вакиллари органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилиши эса соат 15 да Олий Мажлисида ўтказилди.

Гулистонга ташриф буюрган бир сайёҳ бозор оралиқини ихтиёр айлаб, санокли расталару кўрмисиз, хужрасифат дўконлардан хафсаласи пир бўлган, ўз фикрини раҳбарларга айтишга чоғланибди. Ўша пайтда Москвага катта ваъдалар берган раҳбар фақат пахта иши билан ёниб турган экан. Шунинг учун сайёҳ сўзини бўлиб, кечирасиз, биродар, бугун шанба, бозор масаласини бозор кунни гаплашайлик, деган экан.

Катта ўзбек тракти бўйида қад ростлаган маҳобатли «Улгуржи бозор»га ҳавас билан тикилмасликнинг сира иложи йўқ. Бир пайтлари шўра-ю янтоқзор босган бу майдонда ақл бовар қилмас ишлар амалга оширилган. Қадим шарқ ва оврупа мезморчилиги уйғунлашиб кетгандек назаримизда. Бозорнинг оралиқини киши бахридани очиб юборди. Сотувчи ва харидор учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бозор мажмуи ҳудудида Кемпинг, меҳмонхона ва биржа маркази қад ростлаган. Бозорни барпо этишда фаол иштирок этган, бир мuddат раҳбарлик қилган Файрат Қушоқов билан бозор айланамиз.

— Бундай маҳобатли бозор мамлакатимизда бармоқ билан санарли, дейди Файрат Қушоқов. Бозор тарихини чиқишдан тортиб ҳар бир гиштини қўйишгача бўлган жараёнларнинг барчаси вилоят ҳокими иштирокида амалга оширилди, десам муболага бўлмас. Бу мўъжизани дунёга келтириш учун бир ярим миллирд сўмдан зиёд маблаг сарфланди. Бу бозор келажак бозори ҳамдир. Йиллар ўтар, аммо бозор истеъмолчи ва сотувчилар ишончини йўқотмайди. Фақатгина уни авайлаш, асраш, ривожлантириш лозим деб ўйлайман. Мирзаҷулиқларда бундай йирик бозор қуришга иштиёқ катта эди. Шу боис улар ўзларининг хиссаларини ҳам сира иккиланмасдан қўйишди. Айни чоғда фуқаролар «Улгуржи бозор»нинг 150 миллиони сўмлик акцияларини сотиб олишган. Бу ҳам ағалик ҳиссини туйиш, жонқуярлик барқ уриб, биронинг мулки деган эътиборсизлик барҳам топанлигидан далолат. Сотувчи ва харидор бир-бири устидан назоратчи. Тадбиркорликка кенг йўл очилган. — Бу бозор мустақиллигимиз шарофати, дейди тадбиркор Раҳмонкул Синдоров. — Оиламиз эҳтиёжидан ошқ 70 минг сўмга ҳеч иккиланмасдан бозор акциясини сотиб олганман. Йил охирида фойдадан му-

Республика мустақиллиги 8 йиллигига

май даромад олишни кўзлаб турибмиз. «Улгуржи бозор»идан Гулистон дехкон бозори сари йўлга тушди. Чўлуварлар дастурхонини файзини ўзида ақс эттирган бу бозорда ҳам катта ўзгаришлар қилинган. Бозор тўла қайта таъмирланди, янги-янги қурилишлар давом

Жиззах вилояти Бахмал туманида бугунги кунда 64 та мактаб бўлиб, унинг 56 тасида дарслар ўзбек тилида, саккизтасида эса киргиз тилида олиб борилади. Уларда жами 24 минг 200 нафар ўқувчи таълим олади, 2 минг 264 нафар ўқитувчи ёшларга билим беради.

ЎҚИТУВЧИЛАР АНЪАНАВИЙ КЕНГАШИ

Туман халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашида ана шу рақамлар келтирилди ва янги ўқув йилида дарсларни Таълим тўғрисидаги қонун, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида ташкил этиш, ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Бу борадаги тажриба умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йўлчи Жўра,
ЎЗА мухбири

МАХСУЛОТ СИФАТИГА ҚАФОЛАТ

«Сурхонтектил» очик турдаги ҳисадорлик жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулотга хоржид ҳам талаб ортиб бормоқда. Бу ерда тайёрланаётган ил-қалвалар сифати қафолатлангани туйфайи Венгрия, Чехия, Словакия, Польша каби мамлакатлар энгил саноатда кенг фойдаланилмоқда.

Хоржга пишиқ маҳсулот очинарши натижа-сида олинаётган фойда ишчи-хизматчилар моддий ва маданий-маиший шароитини яхшилаш, шунингдек, рентабеллик даражасини янада ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга сарфланаётди.

ГУЛИСТОН БОЗОРЛАРИ Сотувчига ҳам, харидорга ҳам бирдек манзур

этирилади. Бозор раҳбари Бахтиёр Жабборовни янги лавилон қурилиши кетаётган майдонда учратдик. Нон ва қандолат маҳсулотлари савдоси учун 200 ўринли жой тайёрлаш режалаштирилган. Бу янги павильон ишга тушса, яна бир қулайлик яратилади. Бозор саҳнида куз ва киш ойларидаги ёгингарчилик туйфайи халқоқ сувлар тўпланиб анча ноқулайликлар тугдираётгани. Айни чоғда бозорга бетон ариқлар ўрнатилиб, сувни қочириб имкони яратилмоқда. — Бозоримиз бир минг олтимиш ўринга мўлжалланган, дейди Бахтиёр Жабборов. — Дехқонлар учун шарт-шароит яратиш беришга интилаймиз. Дехқонлар учун меҳмонхона бор. Ян-

ги-янги маиший хизмат курсатиш шаҳобчалари барпо этиш пайида бўляпмиз. Ҳозир бозор ҳудудида 15 та сартарошхоналар, 8 та пойафзал таъмири, 40 та чойхона мавжуд.

Ганнинг рости бундан саккиз йил илгари вилоятдаги энг йирик бозорда бодлик Ҳатам Исроилов. — Бизга барча шартлар яратиб берилган. Бозор кўтаришига қараб сотамиз. — Картошканинг баҳоси неча пул, — сўрадик бир дехқондан. — Арзон, 35 сўмдан бераверинг? — Картошка қаерда етиштирилган, — саволга тутамиз сўхбатдошимизни. — Биз меҳмонимиз Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманидан. Исмиим Хусанбой Шаропов. 3 тонна картошка олиб келгандик. Мана охираб қолди. — Шунча узоқ йўл босиб келибсизлар...

— Ганнинг рости, бу ерда картошкага талаб кўпроқ. Қолаверса, Гулистон бозори яхши. Тинч. Ҳеч қим бошингни қотирмайди. Бозорда ишловчилар муомиласини айтмайсизми. Дехқонга жуда қайишишди. — Ётоқ жой қаерда бўляпти? — Бозор меҳмонхонасида турибмиз. Тўлов пули ҳам арзон. Бир кунга 50 сўм. Қолаверса, номоз ўқишимиз, бемалол дам олиш имкони бор. Дехқон бозориде эликдан ошқ ихчам замонавий турли маҳсулотлар сотишга мўлжалланган дўконлар бозор кўркига-кўрк қўшиб турибди. Энг муҳими шундаки, бозорни янада кенгайтириш, қулайликларни қўнайитириш чора-тадбирлари қўйилди. Мирзабод тумани маркази Назрўз қўргонидеги

автомобил бозори билан ҳам танишишга муяссар бўлди. Бу ер вилоятдаги барча автомобил ишчи-қибозлари учун азиз гўшга айланган. Бозор қурилишига қарий 14 миллион сўм маблаг сарфланган. Турли дўконлар билан қўраб олинган бозор ихчам, айни чоғда дид билан қурилган. Бозорда бемалол 200-300 автомобил учун жой бор. Шанба ва яқшанба кунлари бу ер янада гавжум бўлади. — Бозоримиз бунёд этилганига икки йил бўлса-да тезда тилга тушди, — дейди бозор директори Умнаткул Худойқулов. — Автомобил сотувчи ва олувчилар учун барча имтиёзлар бор. Ҳамма иш бозорнинг ичиде бажа-рилади. Нотариал идора ишлаб турибди. Бемалол олди-сотти шартномаси расмийлаштирилиб бир зумда машинага эга бўлиш мумкин. Ортиқча овор-гарчиликка ўрин йўқ.

Бозорларни қўздан кенчириб ўйга толмаиз. Бундан атиги тўрт йил аввалги манзара қандай эди? Юрт ободлиги, фаровонлиги бозорларимизда ҳам ўз аксини топмаётганимикин? Ахир ўтган мuddатда чўлуварлар ана шундай 9 та бозорга эга бўлишди. Зеро, ҳар шаҳар, ҳар қишлоқда аjoyиб бозор бўлишига не етсин.

Н.ШАМСИЕВ.

Сўз — Олий Мажлис депутатларига ХАЛҚ МАНФААТИ, ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Бозор шароитида омилкор, изланувчан, ташаббускор кишининг иши юришади. Айниқса раҳбар одам узққни кўзлаб ҳаракат қилиши, тежамкор бўлиши, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши билиши, одамларни мақсад сари бирдек сафарбар эта билиш лозим. Биз чўл одамларимиз. Корхонамизда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти иродали, эътиқодли, ватан ишки қалбида жўш урган фидойилардир. Уларнинг ҳар бири ўз жамоаси, касби, эришилаётган натижалар билан фахрланади. Яна бир гап, чўлликлар гуруҳли бўлишади. Бу каби фазилатлар янги ютуқларга чорлайди.

Ишчи-хизматчиларимиз яхши ойлик олишади. Ойига ўн килодан текинга гўшт улашамиз. Ун, гуруч, сўт ҳам бемалол. Шунингдек, одамлар чорваси учун етарли микдорда озик ажратамиз. Ун тегиримини гуруллаб ишлаб турибди. Унинг ёнида шол қолдирган, омикта ем тегиримонлари. Кунига ўттиз беш тонна ун чиқарамиз. Бизнинг бу махсулот сифат жиҳатидан энг юқори ҳисобланади.

Зиммамизга масъулиятли вазифа юклатилган. Музробод тумани хўжалиқларида етиштирилган бугдойнинг асо-

ўтай, баъзи жойларда ҳамон исрофгарчилик кучли. Айрим раҳбарлар темиртерсакка аралашини ўзларига эп билишмайди. Буни шунинг учун айтаманки, у ер-бу ердан олиб келган ташландиқ темирлар, эскирган вагонлар, тўсинлар ҳисобидан ажойиб қурилишлар қилдик. Боз

деб чамалашганди. Демак ҳар биримиз амалда омилкор бўлсак, астойдил жон койитиб ишласак ўзимизга ҳам, давлатга ҳам катта наф келтирамиз.

Бизда чорвачилик йиллар мобайнида жадал ривожланди. Новосларимиз, сигирларимиз ниҳоятда зотдор. Баҳоли

«ЯРАТИШ УЧУН ЯШАЙМАН»


сий қисмини ўз кучимиз билан ташиб оламиз. Юқорида изланиш, омилкорлик ҳақида тўхталгандик. Худди ана шу жиҳатлар муваффақиятларимизнинг бош омилли. Шу ўринда мисол келтираман. Термиз яқинидаги «Уққизил» темир йўл станцияси бор. У ерда ҳисобдан чиқарилган техника, вагонлар уюлиб ётарди. Комбинат ҳисобидан станция ишчиларига нўъмат ажратиб, фойдаланиш мумкин бўлган қисмларни ташиб келтирдик. Ўрни келганда эслатиб

устига катта маблағ тежаб қолдик.

Фикримнинг яна бир тасдиғи: замонавий нонвойхона қуриш орзуми эди. Аҳоли учун қулай ерда қўркам бино қад ростлади. У замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Махсулот сифати барчага манзур бўлаётти. Харидорлар учун қулайликлар яратилган. Нонвойхона қурилиши учун асосий материаллар ўзимиздан чиқди. Бу иш учун ўн миллион сўм сарфланди, ҳолос. Мутахассислар эса олтиш миллион сўм

қудрат балиқчиликка, йилкичиликка ҳам қўл урдик. Чиқитисиз технология амал қилмоқда. Мени хурсанд қиладигани - одамлар чехрасида мамнунлик, эртанги кунга ишонч аломатларини кўраман. Бу мустақиллик шарофати албатта. Катта тўйга ҳозирлаган тўналаримиздан бири чорвадорларга атаб бунёд этилган янги қишлоқдир. Бу ердаги уйлар замонавий, қишлоқ шароитлари ҳисобга олиниб бунёд этилган. Интилганга толе

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ



8 йиллиги олдидан



ёр, деганлари тўғри экан. Елиб-югуриб, вақти келса кечалари ўзимга ва ўзгаларга тинчлик бермай яна бир хайрли ишни рўёбга чиқардик. Жарлик тепасига ажойиб кўприк солдик. Биринчи қавати ошхона, чойхона. Пастада эса юз кишилик ўтов қурдик. Бу йўловчилар учун ҳам сеvimли масканга айланди. Қимизхўрлик қиламан, деганлар шу ерга ташриф буюришсин. Бойсун туманини газлаштириш ишига ҳисса қўшганимдан бахтиёриман. Нокамтарликка йўйманг,

ўзимни кўпдан ўйлантираётган бир масала юзасидан шахсий фикримни баён этмоқчиман. Ёшлар тарбиясига қўлимиздан келганича эътибор қаратишимиз лозим. Ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъий назар фарзандида меҳнатга муҳаббат уйғотиши керак. Меҳнатга кўнгил қўйган инсонлардагина ватанпарварлик каби фазилатлар мустақам шаклланади.

Курбон АМИРКУЛОВ,
Музробод дон махсулотлари комбинати раҳбари,
Олий Мажлис депутати.

МУНОСИБ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Севиқли Ўзбекистонимиз кун сайин жаҳон ҳам-жамятида ўз муносиб ўрнини топиб бормоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг қувончли самараларини бермоқда. Буни халқ таълими-тизимида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, бугун вилоятимизда 459 минг ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Фақатгина шу йилнинг ўзида 54 минг кичиктой биринчи синфга жойлашган.

Вилоятда халқ таълими дадил одимлар билан ривожланмоқда. Зеро, бу соҳага эътибор кун сайин ошиб бормоқда. Жумладан, ўтган сессиядан кейинги вақтда юз берган сезиларли ўзгаришларнинг ўзи ҳам бунга бир мисолдир. Чунончи ҳозир 7 та гимназия фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг асосий қисми янги ёки замон талабларига мос равишда таъмирланган биноларга жойлашган. Шу йилнинг ўзида вилоятда ўнга яқин янги мактаб қурилмоқда. Улардан Янгиқўрган туманидаги Газнон ва Мингбулоқ туманидаги Гуртепа қишлоқларида янги мактаблар фойдаланишга топширилади. Улар янги ўқув йилидан фарзандларимизга ўз эшикларини очади.

Ж.ОБИДОВ,
Наманган вилояти.

ҲАЛИМ АМЕРИКАДА ЎҚИЙДИ

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Сайёт қишлоғида деҳқон оиласида туғилиб тарбияланган Ҳалим Файзиев янги ўқув йилини АҚШда давом эттиради. Тумандаги 164-лицейнинг собиқ ўқувчиси иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси томонидан ўтказилган синовлардан муваффақиятли ўтиб, Президент степендианти бўлган эди. Энди эса у АҚШнинг Флорида штати Долин шаҳридаги Стетсон университетида ўқийди. Ҳалим жаҳонга машҳур бу илм даргоҳида бизнес-администратор - молия бoshқарувчиси мукамал эгаллаш ниятида.

КИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Аҳоли хонадонларини газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш Хатирчи туманидаги Акмал Икромов номли агрофирмада ҳам намунали йўлга қўйилди.

Хўжалик аҳли яқинда яна бир қулайликдан баҳраманд бўлади. Давлат маблағи ҳисобидан қурилган, замонавий жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Агрофирмада аҳолини иқтисодий ҳимоялашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ишловчиларга иш ҳақларини ўз вақтида бериш йўлга қўйилган. Байрам арафасида ҳар бир хонадонга юз килограмдан галла тарқатилди.

ТАЛАБ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

«Иштихон - қадимий шаҳар. Аммо шаҳарнинг чекка қисмидаги Қорақўйли маҳалласи «Наврўз» гузаридида аҳвол энг узок овулдагидан қолишмайди, - деб ёзади ўз шикоят хатида Муқаддам Хайитова ва бошқалар. Бу гузарда уйлар қурилиб аҳоли кўчиб кирганига ўн йилдан ошди. Шу ерда туғилган болалар бугун мактаб ўқувчиси. Аммо ҳалигача газ, электр энергияси йўқ. Болалар қиш ойларида лой, ёзда тупроқ кечиб мактабга боришади. Бу орада фуқаролар туман ҳокимиятига ариза ёзавериб чарнашди. Мамлакатимизда аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш кун тартибидидаги асосий масала бўлиб турган бир пайтда бизга ҳам эътибор қаратишса адолатдан бўларди».

Тахририятимиз яқинда ушбу шикоят юзасидан Иштихон туман ҳокимиятидан жавоб хати олди. Мана уша жавоб: «Аризачилар томонидан Иштихон шаҳрининг Наврўз қўчасида бир қатор муаммолар мавжудлиги, айниқса, аҳоли йўл йўқлигидан, электр энергияси етишмаслиги ва газ йўқлигидан қийналиб келаётганлиги уринли келтирилган бўлиб, бу муаммоларни ҳал этиш юзасидан туманда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Маҳаллага ички йўллар учун туман автомобил йўллар бошқармаси томонидан ажратилган автотредер ёрдамида йўл сатхи текисланди. Ҳозирги пайтда бу кўчаларни шаҳарнинг асосий кўчаларига туташтириш юзасидан иш олиб боришмоқда. Маҳаллани газлаштириш ишлари туман уй-жой қурилиши мувофиқлаштириш бошқармасининг режасига киритилган бўлиб, ҳозирга қадар бу ерга бир донна ГРП олиб келинган. Йил охирига қадар газлаштириш ишлари амалга оширилади».

Р.ХАСАНОВ,
Иштихон тумани ҳокими ўринбосари.

ҲАР БИР ФУҚАРО ЭЪТИБОРДА

Азим Тошкент шаҳрига отланарканман, одатдагидек деҳқонлар, соҳибкорлар, ишчи-ю курувчилар билан дилдан сўхбатлашаман. Ҳамжиҳатликда аввалги сессиядан кейин рўй берган ўзгаришларни бир-бир назардан ўтказамиз. Шунда истиқлол берган имкониятлар, иқтисодий ислохотларнинг мевалари кўз унгимизда яққолроқ на-

моён бўлади. Меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига катта эътибор берилаётганлиги нақадар улғу, савобли иш эканлигини ҳар биримиз чуқур ҳис қилаёلمиз. Ёрдамга муҳтож, ногиронлар, етим-есирлар меҳр оғушида, уларни асло ёлғизлатиб қўймаймиз. Савобли ишлар учун катта маблағ ажратилапти.

Сўнги йилларда галла, пилла, пахтадан юқори ҳосил олинаётганлиги, иқтисодиёт мустақамланганлиги хайрли тадбирларни изчил амалга ошириш имконини бермоқда. Сўнги ойларда қурилиш ишлари янада жонлантирилди. Хусусан, туман марказий касалхонасининг иккинчи навбати, янги лицей биноси

жадал суръатда бунёд этилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида эса тез тиббий ёрдам бўлимининг янги биноси ишга туширилади. Савдо, маиший хизмат муассасалари фаолият бошлади.

Олий Мажлиснинг XV сессиясига пухта тайёрларлик билан келдик. Унинг кун тартибига юрт

манфаати, ватан истиқболига хизмат қиладиган қонуни лойиҳалари қўйилган. Туманимиз меҳнат аҳли ўзларини қизқирган масалани, муаммолар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини етказиб қўйиши зиммамизга юклаган.

Кенжа ОРТИКОВ,
Хонка тумани ҳокими,
Олий Мажлис депутати.

БУ ҲАЗИЛАКАМ ЎЗГАРИШ ЭМАС

Ҳар гал тумандан чиқиб, Олий Мажлис сессиясига йўл оларканман, кўнглимдан турфа саволлар кечади. Вилоятимиз ва туманимиз меҳнатқашлари ўз депутатларини бу анжуманга қандай тўхфалар билан йўлладилар.

Вилоятда галла етиштириш ва давлатга сотиш режалари бажарилди. Пиллакорлар уйган хирмон баракали бўлди. Пахтазорларда чинакам мустақил юрт фидокор пахтакорларига хос матонатли меҳнат авжида. Деҳқончасига қилинган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятнинг пахта хирмони ҳам пилласи ва галласи сингари бўлади. Бунга барчанинг ишончи комил.

Қурилиш, саноат, алоқа ва транспорт соҳасида ҳам сезиларли ютуқларга эришмоқдамиз. Шаҳар ва қишлоқларда қад ростлаётган маданий-маиший иншоотлар кўлами кўнгилларни қувонтирса, гўзаллиги кўзларни қамаштиради. Вилоят марказида, Пахтакор ва Зафаробод туманларида қурилган коллежларда ўқиниш ҳар бир йигит-қиз орзу қилади. Улар ўз мухташамликлари билангина эмас, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланганлиги туфайли ҳам эътиборлидир.

Туманимиз чўлқувларлари давлатга 30 минг тоннага яқин сара дон сотиб, келаси йилнинг мўл ҳосиллини ҳам ҳозирдан ўйлаб ишлаяптилар. Ўнга яқин мустақиллик объектлари қуриб битказилиб, шунча ичимлик сув тармоғи ўтказилди. Сўнги бир ой ичидаёқ туманимиздаги 110 хонадонда табиий газ ёна бошлади.

Ҳолиқли ЭРГАШЕВ,
Мирзачўл тумани ҳокими, Олий мажлис депутати.

Истиқлол менинг тақдиримда

1. Мустақиллик деганда, эркинлик, озодликнинг кадрига етиш керак, деганда нимани тушунасиз?

2. Ўтган 8 йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, сиз яшаётган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз? Ватанимиз истиқболли, фарзандларингиз келажagini қандай тасаввур этасиз? Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади? Зиммамиздаги бу борадаги вазифа ва масъулиятни қандай англайсиз?

3. Ўзбекистоннинг эртанги кунини ва унда ўз ўрнинингизни қандай тасаввур қиласиз? Ватанпарварлик ва миллий гуруруб сизни нималарга давват этади?

Саволларга «Ўзкимёфарм» Очик Ҳиссадорлик жамияти қасаба уюшма кўмитаси раиси Дилдора АБДУЛЛАБЕКОВА жавоб беради:

1. Мустақиллик! Мухими, энди бирова қарам эмасмиз, бировнинг буйруғини кутмаймиз. Шу ўринда алоҳида тўхталмоқчиман: мустақиллик йўли албатта осон кечмайди. Аммо ўтиш даврида дуч келинган қийинчиликларни энгиб ўтиш халқимиз қўлидан келади. Истиқлолгача корхонамиз 90 фоиз четдан келтирилган хом-ашёлар ҳисобига ишлар эди. Мустақилликка эришган, теъдда иш тарзимизни ўзгартиришга тўғри келди. Мар-

казлашган таъминот йўқ бўлиб, ўзимизда мавжуд бўлган хом-ашёлардан турли дори-дармонлар ишлаб чиқаришга киришилди. Буни қарангки, собиқ иттифоқ даврида 5 йилда биттагина янги дори ишлаб чиқарилса, истиқлол шарофати билан бир йилда 5-6 турдаги дори-дармонларга йўл очилди. Мавжуд технологиялар ҳам маҳаллий хом-ашёларга мослаштирилди.

Ўзимиз қуриб, билиб турибмиз. Давлатимиз бизга эркин яшаш учун шароит

яратиб берди. Юртимиз озод ва обод. Аммо ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бор. Буни тўғри тушуниш зарур. Биз буюк ва табаррук инсонларнинг авлодлари эканлигимизни, ота-боболаримиз юксак маданиятли ва маърифатли бўлган-

ди. Жумладан, 1996 йили фармацевтика соҳаси бўйича номзодлик диссертациясини ёқладим. Фарзандларимдан каттаси-қизим олий ўқув юртига, кичиги Кимё-технология институти қошидаги лицейга киришга муваффақ бўлди-

Бу йиллар ичида Ватанимиз истиқболли ва фарзандларимиз келажагига ишонч мустақамланди. Уларнинг компютер, тил, техника каби кўплаб соҳа ва фундаментал билимларни ўрганишлари учун кенг йўл очилди. Асосийси, кичкина болалар улғайғач ўзларини ўзлар мустақил бошқара олишларга шубҳа йўқ. Шу ўрлардан қолган оғир мерослардан бири-катта одамнинг ҳам ўз фикрига эга эмаслиги, юқорининг аралашувисиз бирор бир ишни бажара олмалиги эди. Мустақиллик бу иллатга ҳам барҳам берди.

Ҳар бир инсон ўз вазифини билса ва уни тўғри тушунса, тўғри ёндошса, албатта яхши натижаларга эришилади. 3. Илгари миллат ҳақида қайғуриш миллатчиликда айблалаш учун баҳона эди. Бугун эса ҳар бир ватандошим қалбидеда гурур. Ёруғ ниятлар, тараққиётимизни жадаллаштириш йўлидаги интилишлар ўз-ўзидан кишини изланишга ундайди. Қалбда миллий шукух ва фахр туйғусини уйғотади. Зеро, гурури бор халқни ҳеч ким енга олмайди.

ГУРУРЛИ ХАЛҚ ЕНГИЛМАСДИР

ларни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Не саодатки, кеча эзилган юртнинг фарзандлари бугун чет элларда, хорижий давлатларнинг жаҳонга донги кетган олий ўқув юртларида тахсил олмақдалар, иш тажрибаларини ўрганмоқдалар. Шу ўринда мен она сифатида ҳам, раҳбар сифатида ҳам маъшум 16 феврал воқеалари бошқа қайтарилмаслигини тилайман. Болаларимиз мусаффо осмон остида эркин нафас олсинлар.

2. Мустақиллик йиллари кўплаб ёр-дўстларим қатори менга ҳам жуда кўп қувончли дамларни ҳаёда қил-

ди. Корхонамиз мисолида гапирадиган бўлсам, мустақиллик йилларида заводимиз Очик Ҳиссадорлик жамиятига айлантилди. Унинг худудида «Ўзкимёфарм» Очик Ҳиссадорлик жадами ҳаммуассис бўлган қўшма корхоналар билан иш бошлади. Улар «Ўзбекхёжст-фарма», «Трейдинг-фарма», «Таш-Тамед-фарма» ва «FPI-Тошкент» қўшма корхоналаридир.

Шунингдек, «Аёллар йили»да уларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида жамоа шартномамизга бир неча янги бандларни киритдик.

OLAMDA NIMA GAP

РАБОТ. Жазоирнинг Бешар вилоятидаги қишлоқлардан бирига диний ақидапараст террорчилар гуруҳининг хужуми натижасида 29 киши ҳалок бўлди, 3 киши жароҳатланди. Бу ҳақда Жазоир ички ишлар вазирига баёнотида маълум қилинди.

ПЕКИН. Хитойнинг Хунан вилоятидаги Чаньчжоу шаҳрида икки кун да-


вом этган кучли ёнгарчилик натижасида 100 киши ҳалок бўлди, кўпчилик бедарак йўқолди. Мамлакатга 1,5 миллиард юан (200 миллион АҚШ доллари) миқдорда иқтисодий зарар етказилди.

ТОКИО. 15 август кунини Япония ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қирувчи самолёт мамлакатнинг ҳаво чегарасини бузган номаълум само-

лётни қўлга олиш операцияси пайтида эсиз йўқолди. Ҳозир у 9 ҳарбий кема ва чегарачилар томонидан қидрилмоқда. Япония миллий мудофаа бошқармаси вакилининг маълум қилишича, номаълум самолёт мамлакатнинг ҳаво чегараларини бузгани тўғрисидаги хабар келгач, уни қўлга олиш учун Кюсю оролидаги Нютабару базасидан «Ф-4Е Жей» русумли икки қирувчи самолёт ҳавога қўтарилган. Орадан 35 дақиқа ўтгач, самолётларнинг бири билан алоқа узилган. Бу вақтда самолёт Нагасаки вилоятидаги Фукуэ оролидан 80 километр узокликда, денгиз устида бўлган. Ик-

кинчи самолёт базага қайтиб келган. Номаълум самолёт эса ғойиб бўлган, унинг қайси давлатга тегишлилиги аниқланмаган.

ПРЕТОРИЯ. Абужада Нигерия билан АҚШ ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Хужжат Нигерия энергетика ва пўлат вазири Бола Иге ҳамда АҚШ энергетика вазири Билл Ричардсон имзолади.



Монреал

Демократик ҳуқуқий давлат сари

Тошкент юридик институти қошида ташкил этилган республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази фаолият кўрсатаётганига ҳам икки йилдан сал олди. У республикаимиз Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисидаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётлари аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги қароридан сўнг ҳаётга йўлланма олган эди.

Ҳўш, ўтган икки йиллик меҳнат, саъй-ҳаракат ушбу йўналишда қандайдиган самаралар берди, натижалар салмоғи нимага дорабор бўлди-ю, Фармон ва қарорнинг амалийлигини таъминлашда қайси имкониятлардан тўла фойдаланилди? Қуйида ана шулар ҳақида гап боради.

Марказ ўз ишини бошлашдан аввал биринчи навбатда, фаолиятининг энг асосий йўналишларини белгилаб олди. Унда ҳуқуқий давлатчиликнинг ривож топишида, фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлишида дастурий асос бўлган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»дан келиб чиққан ҳолда тузилган тадбирлар ўз инъикосини топди. Шунингдек, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш, янги қонунчилик, меъёрий ҳужжатларнинг даврий умумлаштириш, уларга шарҳлар бериш, оммабоп ҳуқуқий адабиёт ва ўқув услубий қўлланмалар, дарсликларнинг тайёрлашни мувофиқлаштириш, ташкилий-таркибий ишларда жамоат бирлашмалари, ҳуқуқий муҳофазат қилувчи идоралар билан бақамти ишлаш, илмий муассасалар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш каби масалалар ҳаракатининг муҳим йўналишларини белгилайдиган вазифалар сирасига киритилди.

Утган кеска мuddат мобайнида бу борада ҳоли ўртасида олиб борилган ташвиқот, тарғибот ишлари кўлами анча кенгайганлигини далилловчи ҳаётий мисоллар кўп. Жумладан, ҳуқуқий мавзуларда, яъни республика Президентининг Фармонлари, янги қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар асосида жами салкам 40 мингта тушунтириш ишлари, давра сўхбатлари ўтказилди. Шундан маҳаллар, жамоа ҳўжаликлари ва муассасаларда ташкил қилинган мулоқотлар сўни қарийб 10 мингтага етди. Қолган учрашувлар ўрта ва олий махсус ўқув юрталари, мактаблар, жамоат ташкилотлари ҳамда мактабга тарбия муассасалари улушига тўри келади.

Шу билан бирга, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ижроси юзасидан ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Санация ва шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий манбаига оид масалалар бўйича эса 2400 дан зиёд семинар уюштирилгани ҳамда маърузалар қилингани шулар жумласидандир. Бу ерда гап ўтказилган тадбирларнинг факат сони ҳақида кетмаётганлигини таъкидлаш мақсадида қуйидаги далилни келтиришни истардик. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартдаги «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунни тарғиб қилиш юзасидан марказ ва минтақавий бўлимларнинг иш ре-

жаси белгиланганди. Унга биноан республика «Маҳалла» жағмараси, хотин-қизлар кўмиталари, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг вилоят, туман вақиллари иштирокида ўтказилган йиғинларда қарор ва қонуннинг асил муҳияти, диний эътиқод учун берилган имкониятлар, кафолатланган виждон эркинлиги, лекин айрим кимсаларни Ислам ниқоби остида гайриқонуний хат-

Юридик институти профессор-ўқитувчилари жамоаси алоҳида жонбозлик кўрсатишаётди, - дейди Марказ директори, доцент У.Бозоров. - Жумладан, фақат кейинги уч йил мобайнида 127 нафар профессор-ўқитувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш мақсадида 51 марта хизмат сафарига бўлдилар ва уларнинг тушунтириш маърузалари 615 академик

соатни ташкил этди... Дарвоқе, биз ўз ҳуқуқий мизини қай даражада билемиз ва ундан унумли, мақсадли фойдаланамизми? Очиғини айтсак, бу саволларга қониклари жавоб беришимиз қийин. Буни вақтли матбуот тахриратларига келаятган хат-хабарлар, аризалардан ҳам билса бўлади. Яъни, уларнинг мазмун-моҳиятларини маҳаллий ҳудуд раҳбарлари кўриб чиқиб, ҳал этишлари мумкин бўлган шикоят, аризалар ниҳун учунди Тошкентга, юқори ташкилот, идораларга юборилади. Демак, бундан ақсарият ҳолларда ҳали фуқароларимиз ўз ҳуқуқларини ҳимоя этишни сўраб, тегишли ташкилотга мурожаат қилмайдилар, деган хулосага келиш мумкин. Бунинг оқибатида ёзма мурожаатлар идорама-идора «сайр» қилиб сарсонгарчиликлар бошланади, қимматли вақтлар беҳудага сарфланади. Марказ томонидан ана шуларнинг олдини олиш мақсадида кенг қамровли тадбирлар амалга ошириляётир. Ташвиқот-тарғибот ишлар кўлами хатто мактабларга ҳам етиб бормоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»ни бажариш юзасидан олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, мактабларда ҳуқуқий таълимни кучайтириш мақсадида «Ҳуқуқшунос», «Ҳуқуқий билимлар» клублари ташкил этилди. Ҳар йили мактабларда «Сиз қонунни биласизми?» қурик танлови ўтказиш аънаънага айланди қолди. Тарғибот ишларини янада кенгайтириш

мақсадида Марказнинг «Ҳуқуқий маърифат» деб номланган Ахборотнома-си чоп этилиб, вилоят минтақавий бўлимларига юборилмоқда. Шу йилнинг эса Юридик институти ва Марказнинг юқоридаги ном билан газетаси чиқа бошлади. «Давлат ва ҳуқуқ» журнали нашрга тайёрланмоқда.

Яна шунини таъкидлаш керакки, муқталик юрти-мизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари борилаятган экан, демак, бу мамлакатда барча саъй-ҳаракатлар, фаолиятлар - улар қандай йўналишда бўлмасин, албатта қонун билан муқтаҳамланши шарт. Марказнинг асосий мақса-дларидан бири ҳам юртимизда қонун усту-ворлигини таъминлашга қаратилган барча тад-бирлар мазмун-моҳияти-ни аҳолининг кенг қат-ламларига етказишдан иборатдир. Бундай тад-бирларнинг таъсирчан-лигига эришиш учун эса ушбу эзгу ишларга жалб қилинган ходимлар, профессор-ўқитувчилар, ҳуқуқшунос ва мутахассис-ларнинг масъулиятини ошириш масаласи диққат марказидан туширил-маёпти. Уларнинг тўла-қонли фаолият кўрсатиш-ларини таъминлашга ҳа-ракат қилинмоқда.

Бирок, ҳуқуқий маъри-фат тарғиботи Марказин-инг жойларда янада сама-рали ишлашини таъминла-моқ учун бир қатор камчи-лик ва муаммоли масала-ларни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир. Чунки, Вазир-лар Маҳкамасининг 367-сонли қарорининг 11-бандида қўрсатилган ҳуқуқий-илмий оммабоп адабиёт-лар, дарсликлар ва ўқув қў-лланмаларини аҳолига 50 фоизга арзонлаштирилган нархларда сотиш тарти-блари ҳанузгача тасдиқлан-маган.

Хулоса қилиб айтганда, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш-га киришган меҳнат тўхфа-лари тайёрлашди.

Абдунаби МАННОПОВ, «Ишонч»нинг махсус мухбири.

Янги бўлима фаолияти ИШОНЧНИ ОҚЛАЁТГАН ПОСБОНЛАР

Ортимизда кўшма қорхоналар махсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Уларни харидорга талон-тарожиликларсиз етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 4 ноябрдаги қарори билан Нақлиёт ИИБ таркибида кимматбаҳо юк поездларини кузатиб борадиган милиция бўлиминини ташкил этилган. Ҳўш, улар бу борада қандай ишларни амалга оширяптилар?

Кўшнингни ўғри тутма, ўзингга эҳтиёт бўл, деганларидек, ИИБ Нақлиёт ИИБ таркибида кимматбаҳо юк поездларини кузатиш бўйича бўлим ташкил этилганлиги натижасида ноёб махсулотларни ўмаришга шайланган «қароқчилар»нинг пайи қирқилди. Талон-тарожиликлар, майда ўғирликлар кескин камайиб, кимматбаҳо юклар ўз эгаларига бус-бутун етиб борадиган бўлди. Биргина 1996 йилнинг ноябр ойига қадар юк поездларида ташилган бўлдойдан 122 тонна ўғирланган бўлса, 1997 йилда бу кўрсаткич бирданига 6 баробарга камайди. Ёниллиги мой махсулотлари билан боғлиқ ўғирликлар ўша вақтда 85 тоннани ташкил этган эди. Ушбу бўлим милиция ходимлари ўз вазифаларини бажаришга киришганидан сўнг, бу кўрсаткич 7 баробар кам қайд этилди.

Албатта, бундай муваффақиятларга эришишда ушбу хизматга жалб этилган ходимларимизнинг фидойилигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Чунки, қор-ёмғирда, қаҳ-

лар онда- сонда бўлса-да, учраб турибди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари ўз вақтида фаш этилиб, қинғир қўл кимсалар жазоларини олишмоқда.

Шуни айтиш керакки, Ички ишлар бошқармаси таркибиде юкларни қўриқлаш бўйича ташкил этилган ушбу бўлима тизимимиздаги янги бир йўналиш сифатида фаолият кўрсата бошлаганидан сўнг, унинг юк ташилдаги ўғирликларнинг олдини олишда жуда катта аҳамиятга эгалиги дарров сезилиб қолди. Юкларни қўриқлаб кузатиб бориш йўлга қўйилган нафақат ўғирликлар, балки йўлларда учрайдиган бошқа турдаги қонунбузарликлар ҳам кескин камайди. Шу боис, сафимизни кенгайтириш мақсадида хизмат талабларини бажаришга қодир лаёқатли ва зийрак ходимларни жалб этиш ишлари олиб бориляпти, - дейди, Нақлиёт ИИБ ШТ-БИХ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Акбар Жалилов. - Албатта, бу кеска мuddатда бўлса-да, жиноятчилик ва унинг олдини олишдаги ишларда ўзига хос самарали натижаларга эришаётган хизмат ходимларига нисбатан яна бир бор ишонч ошганидан далолат беради.

Шўхрат РЎЗИЕВ, Равшан ЭРГАШЕВ, милиция капитанлари.

Тўйга тўёна

Республикаимиз Мустақиллигининг 8 йиллиги байрамга Пайарик тумани меҳнаткашлари ҳам муносиб меҳнат тўхфалари тайёрлашди. Байрам арафасида тумандаги «Дўслик» ижара ҳўжалигида 50 гектар ер ўзлаштирилиб, бу ерга Тўсинсой сув омборидан оби-ҳаёт келтирилган, кечаги сап-сарик дашт яшил либос кийди. Янги ерларни ўзлаштириш давом этмоқда. «Пахтакор» жамоа ҳўжалигида қарийб 3 километр масофадаги аҳоли хонадонларига ичимлик суви келтирилди. Охунбобоев номили жамоа ҳўжалигида 2 километр, «Дехқонобод» жамоа ҳўжалигида 3.5 километр, Б.Ҳасанов номили жамоа ҳўжалигида 2.5 километр газ қувурлари ўрнатилди. Отақул Умаров номили жамоа ҳўжалигидаги ноноҳ ҳолатдаги 11 мактаб биноси қайта реконструкция қилинди, «Халқабод» жамоа ҳўжалигидаги 27- мактабга қўшимча 5 та синф хоналари қўзилди. Мустақиллик байрами қуни Уларни фойдаланишга топшириш маросимлари бўлиб ўтди.

Ялғош САРИБЕВ, «Ишонч» мухбири.

Газетхон илтимосига кўра НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

Унинг дастлабки фаолияти қандай?

Маълумки, шу йилнинг 14 январиде Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимиде бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганди. Унга кўра вазирлик қошида ҳудудий-таркибий бўлимларга эга бўлган Назорат инспекцияси тузиш вазифаси юкланган эди. Мухбиримиз Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шу янги Назорат инспекцияси раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Нодирхон Шаропов билан шу ҳақда сўхбатлашди.

Кўп нарса биринчи қадамларга боғлиқ. Инспекция ўз фаолиятини кўпроқ нимага қаратаёпти? Аввало, кадрларга эътибор кучайтирилди. Зеро, қарорда ҳам тизимда етук билимга ва малакали тажрибага эга бўлган врач, ҳуқуқшунос, дорихунос ва иқтисодчилар фаолият юритиши алоҳида эътироф этилган. Ходимлар танлов асосида қабул қилинди. Ҳозирда ҳамма вилоятларда 2-3 тадан назоратчи инспекторлар мавжуд бўлиб, уларнинг бири ҳуқуқшуносдир. Вилоятларда фаолият кўрсатаётган назоратчилар фақатгина бизнинг идорага ва Соғлиқни сақлаш вазирга ҳисобот бериши ишимизга ҳар хил аралашувларга чек қўйиб, ваколат доирасида ишлашимизга имкон бермоқда. Натижалар ҳам шунга яраша. Март ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан Молия вазирлигининг Назорат тафтиш бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган текшириш соҳадаги қатор нуқсонларни очиб ташлади. Текширув якунларига кўра республика бўйича 23 нафар мансабдор шахс ўз вазифасидан озод қилинди, 235 кишига ҳайфсан берилиб, 139 нафарига жарима солинди. Бу каби саъий ҳолатлар Қашқадарь, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кўпроқ учради. Ноқонуний сарфланган 342,85 сум маблағ бюджетта қайтарилди. Республика «Дори-дармон» акционерлик уюшмаси томонидан ҳорж дори-дармонлари учун ўтказилаётган 400 минг доллар тўхтабди қолди. Улардан олиб келинадиган дорилардан (ҳукуматлараро келишувга асосан) 24,5 минг доллар иқтисод қилиб қолди.

Нодир ака, тизимда нодавлат тузилишидаги муассасалар пайдо бўляпти. Улардаги аҳвол қандай? Албатта, ҳар бир янгилик ютук ва камчиликларсиз бўлмайди. Улар ақсари ҳолларда мижозларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишгапти, лекин ҳаттоликлар ҳам учраб турибди. Белгилаб қўйилган қондан қўпол равишда четга чиқариш йўли қўйгани учун учта ҳусусий фирма ва учта дорихонанинг рухсатномалари бекор қилиш учун тегишли идораларга топширилди.

Шикоятлар ва аризалар ҳам келиб турадими? Ҳозирги қўнғача тизимдаги мансабдор шахслар устидан 42 та шикоят ёзилган бўлиб, 70 фоизи ўз тасдиғини топди. Мисол учун, Тошкент шаҳар саломатлик маркази бош врачни Р.Нўнонова ходимлар билан меҳнат муносабатларини бузганлиги учун, Сирдарё вилояти Ок олтин тумани марказий касалхонаси бош врачни Ҳ.Ҳамидов ишда йўл қўйган ҳаттоликларни учун ўз вазифаларидан озод этилди. Тизимда доимий назорат қилувчи гуруҳ тузилган. Соҳа ходимларининг ҳар кунги ишлари натижаси компьютерга тушади.

Сўхбатдош: Қобилжон ШОКИРОВ.

Касаба уюшмалари шифо масканларида

Шаҳрисабз шаҳридан тахминан 25 километр Хисорак сув омбори томон юрсангиз атрофи доврахтар билан ўралган, соя-салқин, хушхаволиги билан аҳралиб турадиган Мирокки қўрғончасига етиб борасиз. Бу ерда жойлашган «Мирокки» санаторийсида бир маротаба бўлган киши яна ҳам бўлиб, саломатлигини тиклаб, хордик чикарсам дейди.



1974 йилда қурилган мазкур дам олиш маскани дастлаб «Қарши-қурилиш» бирлашмаси тасарруфида эди. Шу боис бу ерга бирлашма, ташкилот ва муассасалардан ходимлар келиб, дам олиш билан бир қаторда малакаларини оширганлар. Кейинчалик Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси ва кўпчиликнинг талаб ҳамда истағи билан дам олиш маскани санаторийга айлантирилди. Сихатгоҳ 1993 йилнинг 25 августиде дастлабки мижозларни қабул қилди. Шундан буюн меҳнаткашларнинг сезимли оромгоҳига айланди.

Айни пайтда бу ерда 125 нафар ҳодим меҳнаткашларнинг саломатлиги йўлида самарали меҳнат қилаётир. Хар бири 50 киши-

лари, диққатга сазовор жойлари билан танишадилар. Китобдаги Ҳазрати-Башир зиёратгоҳи, Хисорак сув омбори билан кишида олам-олам таасурот уйғотади. Бу эса уларнинг иш фаолиятини яхшилаб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Умумий майдони 40 гектарни эгаллаган сихатгоҳдаги анвойи гуллардан кўз қувнайди «Оқсув» дарёсининг ёқимли шовуллашдан «маст» бўлган одамлар ўзларида яна ҳам яхши кайфият ҳис этадилар. Эрта тонгда дарёга йўл олиб, табиатнинг беназир мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олганлар

бўлган мазкур кутубхонада даволанувчилар билан учрашувлар, тури тадбирлар ўтказиб турилади. Бу ердаги «Маънавият ва маърифат» хонаси қайтадан жиҳозланиб, кўرғазмали воситалар билан бойиғач ташриф этувчилар янада кўпайди.

Яқинда Самарқанд шаҳридан дам олувчилар келиб, даволаниб кетдилар, - дейди санаторий бош ҳақими Валижон Музаффаров. - Бу ерга шифо истаб келувчиларнинг кети узилмайди. ...Оддий иш кунларининг бири. Бош ҳақим қабулхонасига истараси иссиқ, очик чехрели киши кириб келаркан, кў-



ўзини биров вазимн тутиб. - Валижон Музаффаров ҳозирча бандлар. Бир фурсат дам олиб туринг, мен ҳозир... - дея бош ҳақим хонасига кириб кетди. Ичкаридан кенг қоматли, истараси иссиқ очик кўнгилли Валижон ака қикиб меҳмон билан самимий кўришар экан, - ўзимизнинг Саид акамик, - дея илиқ қарши олди. Бош ҳақим хонасига давом этган сўхбатдан шу нарса маълум бўлдики, меҳмон Тошкент Давлат университетининг фалсафа қуллиети кафедрга мудири, Ўзбекистон фалсафа жамиятининг президенти, фалсафа фанлари доктори,

дард кўрмасин. Домланинг бу сўзлари бизни бошқа даволанувчилар билан ҳам сўхбатга чорлади:

- Мен Нукус шаҳридан келганман, дейди Нукус аэропорт ходимаси Ойинса Елезарова. - Мирокки ҳақида эшитганман. Лекин Шаҳрисабзнинг мусаффо ҳавоси, табиатининг ўзи бир афсона экан. Юрак хасталиги безовта қиларди. Шифокор Нурилла Сафаров даволанувчиларни ширин сўзи билан ҳам даволайди. 54 ёшга кириб бундай сўлим маскани кўрганам йўқ. Энди бундан буюн меҳнат таътилимда «Мирокки»да дам олам.

Шунингдек, Ёкустондан келган Виталий Ребкин, Навоий вилоятдан келган Даниловлар оиласи, Қарши шаҳридан келган Мирзаевлар оиласи ҳам шифо маскани хусусида тўлқинланиб гапиришди. Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири. Санаторий ҳаётидан лавҳалар



Шошмай туринг сиз бироз, Созлаб олай «от»имни. Кейин қиламиз парвоз - Ҳайратимни.

Майя Чибурданиденинг галабаларга кўникиб қолган мухлису мутахассислар шижоаткор бу туринг кизинг яна кўп йиллар маликалик курсисидан тушмайди деган фикрда эди. Бироқ, тўқсонинчи йилларнинг бошларида ўтказилган навбатдаги босқич саралаш жараёнидан бутун чиққан хитойлик ёш киз Се Чжун кўтилмаган воқеани юзга келтирди: Майяни матчида ёнгиб унинг ўрнини эгаллади - жаҳоннинг еттинчи расмий шахмат маликаси бўлиб олди. Воқеалардан олдинлаб кетсада, шуни таъкидламоқчимизки, Хитой халқ республикасида Се Чжунлар кўп экан. 1998 йили Қаллигон поштахона Элиста шахрида ўтказилган навбатдаги жаҳон шахмат олимпиадасида ХХР аёллар терма жамоаси Россия, Венгрия, Украина, Грузия сингари шахмат аъёнларига бой мамлакат вакиллари билан доғда қолдириб, олимпиада чемпиони бўлган бўлса, эркак ўйинчилари 110 команда орасида биринчи кучли бешликдан жой олди. Улкан галаба! Бунда ушбу сатрлар муаллифларининг ҳам қандайдир улуши борлигидан севин-

Жаҳон чемпионлари


чим ичимга сифмайди. Гап бундоқ. Хитойда эллигинчи йиллардан бошлаб халқаро шахмат ўйини урф бўлди. Бу борада халқаро майдонларга чиқмоқ учун муайян тайёргарлик кўриш, хаваскорлар маҳоратини ошириш тадбирларини кўриш лозим эди, ал-

лар билан уч ҳафта давомида ўқув-машқ машғулоти, бир йўла ўйин сиёнлари, назарий лекциялар, семинарлар ва намунали матчлар ўтказдик. Чакки бўлмаган экан. Уларнинг маҳорати йилдан-йилга мамлакатда халқаро шахмат ўйини оммавий тус

СЕ ЧЖУН

батта. Хитойликлар таклифига кўра уч киши - Москвалик спорт устаси Б.Барапов, Ўзбекистон чемпиони А.Грушевский ва камини 1958 йил декабр ойида бу мамлакатда бўлиб, улкан шахарлар - Пекин, Шанхай, Гуаңжоуда ёш қобилиятли хаваскор-

олди. 1965 йили бир гуруҳ москвалик шахматчилар ва камини иккинчи марта хитойлик мухлису мутахассислар меҳмони бўлдик. Бу галги машғулотларимиз аввалгисидан тубдан фарқ қиларди, зеро энди улар сафида анчагина юқори малакали шахматчилар эти-



Мамажон МУХИТДИНОВ.

шиб чиқа бошлаган эди. Бу сафар мезбонлар биз билан кўпроқ матч учрашувлари ўтказишни режалаштиришди. Хар бир шундай учрашувдан сўнг ўйналган партияларни тахлил қилар, ютуқ ва камчиликларни имкон қадар кўрсатиб беришга ҳаракат қилардик... Бора-бора улар сафида спорт мастерлари ва ҳатто гроссмейстерлар пайдо бўла бошлади. Сўнги натижа юқорида баён қилинди. Шогирдларининг шогирдлари кўрсатган натижаларидан ҳар қанча қувонсак арзийдида!

Орадан муайян давр ўтгач, Се Чжунга арзигулик тож талабгори уни маликалик курсидан туширишга муваффақ бўлди. Бу венгриялик машҳур Полгарлар оиласининг тўнғичи Жуна Полгар эди.

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Тасвирлардаги вазиятлар турли йилларда ўйналган амалий партияларда юзга келган. Иккаласида ҳам юриш қоралардан.

ОНА ЮРТИ

Юртим, сен дўстига меҳри малҳам дил, Ганиммига қаҳри қилич бўлган қалб. Сен Амир Темурсан, ёвин топтаган, Ору номус талаб, иймон, эрк талаб.

Сен ўзбек шаъни деб неча бор ёниб, Неча бор қоврилган шикаста жонсан. Лекин фахрлангум, сен даҳоларнинг Бешигин тебратган Ўзбекистонсан.

Бугун ўтар экан дунё оралаб, Сарбонинг дастида карвонинг яна. Рухингда барқ уриб маънавиятнинг Хаётбахш кучлари қилар тантана.

Беруний юрти деб, Сино юрти деб, Дунё кўлларини сенга чўзган дам. Кўли қадоқ юртим, гурур ўтидан Кўзимда ёнади бир жуфт митти шам.

Истиқлол нуридан сенинг шаънинга Хар тонг қуёш қўқда тикларкан ялов. Сенинг меҳринг бўлиб менинг қонимда, Оёққа қалқадим муқаддас олов.

ХАЙРАТ

Биламан, ҳар тонгда қуёш очса юз, Янги кун бошланса, дилни чоғ этар. Сенинг соғинчингни, сенинг меҳрингни, Эрталабки нурлар мен томон элтар.

Биламан, дилингда мендан-да яқин, Мендан-да маҳрамоқ бироз зот йўқдир. Лекин билолмайман, дил дарди бўлиб, Қалбда оёқланган бу қандай чўғдир?

Барот ЯРАШ

Ҳар тўғрида

АТОҚЛИ ШИФОКОРЛАР ҲАКИДА КИТОБ

Америка Фанлар академияси саъй-ҳаракати билан чоп этилаётган дунёнинг буюк кишилари тўғрисидаги нашр халқаро дорада кенг оммалашиб бормоқда. Дунёнинг 500 машҳур олими рўйхатига киритилган таниқли ўзбек шифокори Малика Абдуллаҳўжаева ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида янги тўплам тайёрланди. Уни Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти яқин орада китобхонларга тақдим этади. Гап шундаки, нашриёт «Машҳур шифокорлар ҳаётидан» деган янги туркум очиб, шу ном остида қатор китобларни чоп этишга киришди. Бу туркумдаги нашрларда машҳур ўзбек шифокорларининг шарафли меҳнатлари улуғланади.

Кўзга кўринган атоқли шифокорлар Малика Абдуллаҳўжаевага бағишланган тўплам «Машҳур шифокорлар ҳаётидан» туркумининг илк китоби янглиғ босилиб чиқди. Алижон Зоҳидийнинг «Малика Абдуллаҳўжаева ҳузурда 10 кун» деган бу тўплам иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти паталогик анатомия кафедрасининг мудири, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош паталого-анатоми профессор илмий фаолияти кенг ёритиб берилди.

«ПУЛНИ ЁҚИШ»

Бир вақтлар атоқли кимёгар олим Д.Менделеев нефтни исрофгарчилик билан ёқиш «пулни ёқиш» билан баробар эканини ўқитган эди. Ҳозирги вақтда эса нефтининг аксарият қисми ёқилмоқда.

Нефтни кўплаб ёқиш ташқи муҳитнинг ҳаддан ташқари ифлосланишига олиб келади. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, ер қурраи ҳавоси ифлосланишининг 60 фоизи фақат автомобил ҳиссасига тўғри келади.

Автомобилнинг ишланган гази таркибида 200 хилга яқин модда бор. Биз автомобилга шу қадар кўникиб қолганимизки, битта автомобил кунига ўртача 12 литр бензин ишлаб, ҳаводаги 25 килограмм хилма-хил зарарли кимёвий бирикмалар чиқаришини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Кўп изланишлардан сўнг дунё олимлари ушбу жиддий муаммони ҳал қилишнинг энг самарали воситаси - водород энергияси ва водородли автомобил яратишда, деган фикрга келишди. Дарвоқе, водород фақат термоядро эмас, балки одатдаги кимёвий ёқилғи ҳамдир.

КАДИМИЙ ТАНГАЛАР

Қадимги чақа-тангаларни ўрганувчи маҳсус фан борки, у нумизматика деб аталади. Бундан минг йил аввал зарб

қилинган тангаларнинг кўпи Ўрта Осиёда тайёрланганлиги тарихдан яхши маълум. Уша вақтда Ўрта Осиёда Сомонийлар сулоласидан чиққан амирликлар ҳукмронлик қиларди.

Ўрта Осиёдан Европага ипак ва зардўзлик матолари, нозик шиша асбоблар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар ортан карвонлар муҳим савдо йўли - Сомонийлар мулки орқали ўтарди. Олиб борилган моллар европаликларга манзур бўларди. Жарангдор ва залварли қумуш тангалар эса янада қадрланарди.

Тангалар узоқ вақт давомида қўлдан-қўлга, мамлакатдан-мамлакатга ўтиб, яна Ўрта Осиёга қайтиб келди. Шу билан бирга бир қанча бегона тангалар ҳам пайдо бўлди. Бундай бегона тангалардаги ёзувларнинг қусурлигидан уларни араб тилини билмайдиган устлар битганлиги маълум бўлди.

Мутахассисларнинг аниқлашича, бундай тангалар Волга бўйидаги Булғор давлатида ясалган. Сомонийлар тангаларнинг қадрлигини кўриб, Булғор давлатининг пул ишловчи усталари Сомонийлар тангаларига ўхшатиб қалбаки тангалар ҳам ишлаб чиқара бошладилар.

Бу тангалар орадан йиллар ўтиб, нумизматлар кўлига тушиб қолди. Уларнинг айрим намуналари эса Ўзбекистон Давлат тарих музейида сақланмоқда.

ҚУШЛАРДА ЯШИРИНГАН

«КОБИЛИЯТ»

Маълум бўлишича, кўпгина қуш турлари фақат қуёш ва юлдузларга қарабгина мўлжал олмай, балки вақтни пайқаш қобилиятига ҳам эга экан. Одам адашмаслик учун секстент, хронометр, компас, харита сингари воситалардан фойдаланади.

Қушлар ўз парвозида Ер магнит майдонидан мўлжал оларкан. Бундан ташқари бу қанотли жониворлар шамол йўналишидан ҳам усталик билан фойдаланишади.

Қушларнинг кўзи ўткир бўлади. Кейинги йилларда олимлар қабутлар ҳатто кутбланиш ва ультрабинафша нурларни ҳам кўра олишини аниқлашди. Бундан ташқари қабутларлар инфратовуш диапазонидаги товушларни, ўта қанса ва узун тўлқинлардаги жуда заиф шовқинларни ҳам тutiб оларкан.

Одамзот қулоғи ҳар сонияда 10-12 дан кам бўлган тебранишни эшитмайди. Қушлар эса бундан ҳам паст частотадаги тебранишни эшитар экан.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

АСКАРЛАР ҚЎШИҚ АЙТГАНДА

Термизда Ватанимизнинг жанубий сарҳадларини кўриқлаётган чегарачиларнинг мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллик байрамига бағишланган кўшиқлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Чегара юлдузлари» деб номланган ушбу кўшиқ байрамида чегарачилар Ватан ҳақида, унинг ҳар бир қарич еру осмони муқаддас эканини, мардлик, жасурлик, севги-вафони мадҳ этувчи кўшиқларни куйладилар. Аскарлардан Д.Йўлдошев, У.Мухаммадиев, А.Қаюмов, А.Абдуллаҳов ва бошқалар ижросидаги кўшиқлар юқори баҳоланди.

Кўрик-танлов голиблари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Бухоро вилояти Вобкент туманида тарғибот-ташвиқот гуруҳи иш бошлади. Туман маданият, ички ишлар бўлимлари, «Нуроний», «Қамолот» жағфармалари, тиббиёт ходимларидан иборат бу гуруҳ аъзолари кичикларда бўлиб, ёшлар билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда эришилган улкан муваффақиятлар, ҳар томонлама етуқ ёшларни қамол топтириш борасида кенг қўламада олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўхбатлар ўтказмоқда. Кенг дастурда концертлар намойиш этилмоқда.

ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК - БОЛАЛАРГА

Навоий вилояти Қонимех туманидаги «Маданият» ширкат ҳўжалиги туячилик ва йилчиликка ихтисослашган ягона ҳўжалиқдир. Бу ерда 1,5 минг бош туя, қарийб минг бош йилқи боқилмоқда. Мавсумда ҳар юз бош туядан 45 тадан бўта олишга эришилди. Ҳўжалиқда туя сутидан шифобахш ичимлик - шубат тайёрлаш йўлга қўйилди. Маҳсулот асосан болалар боғчалари ва касалхоналарга етказиб берилмоқда.

ШИФОХОНАДА ИШЛАШ

ХУКУКИ

Лондондаги руҳий шифохоналардан бирида ишлайдиган ҳамшира иш жойида ҳодимлар хавфсизлиги етарли таъминланмагани учун ўз раҳбарини судга берди. Маълум бўлишича, ҳамшира Мери Клей одатдагидек беморлар олдиға ҳайрли тун тилаш учун қиради. Аммо ҳар сафар бунга хотиржамлик билан ёндашадиган руҳий касаллар шу кунга негацир ҳамширани дўппослашға қарор қилишади. Мери хайрли тун тилаб улгурмасданок, уни қроватға тортиб ётқизишади-да, дуч келган нарса: қошиқ, вилка, шоколад қоробқалари, чой қўтилари билан бошиға тушира бошлашади.

Ўтақаси ёрилган ҳамшира касаллар қўлидан зўрға қочиб қўтилади. Шундан сўнг ўзини ҳақоратланган ҳисоблаб, шифохонани судға беришға қарор қилди. Аммо, иш ҳамшира фойдасига ҳал бўлмади. Суд қарориға кўра, жинилардан қўрққан ҳамшира руҳий касаллар шифохонасида ишлашға ҳақли эмас.

ЎЙҚУ ИСТАГИ

Англиялик уй бекаси Эмма Тоунсенд телефон гўшагини кўтариб, эшитилаётган га-



Аввал хабар қилганимиздек, куни-кеча пойтахтдаги «Халқлар дўстлиги с а р о й и д а» мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Кўшиқ байрамининг кўрик-танлови голиблари, сарвирдорлари, республика миз

санъат усталари ҳам-да ижрочи ёшлар иштирокида гала-концерти бўлиб ўтди. Голиблар ижросидаги бир-биридан гўзал ва нафис кўшиқлар мавзу жиҳатдан ҳам, ижро жиҳатдан ҳам ранг-баранглиги халқимиз нақадар санъатсевар ва истеъдодға бой эканли-

ги намойишига айлиб кетди. Суратда: Ватан туйғуси, халқимиз бунёдкорлиги, меҳрибон оналаримиз, фусункор диёри миз, меҳр-оқибат, дўстлик, одамийлик мадҳ этилган кўрик танловдан лавҳа.

А.РИСКИБЕВ (ЎзА) олган сурат

Ғаройиб олам

лати хурриллашдан ҳайратда қолди. Телефоннинг нариға томонида кимдир маза қилиб хуррак отаётгани аниқ эди.

Аён бўлишича, Эммаға эри кўнгирак қилган экан. У ишдан сўнг, бироз қайфиятини кўтариш учун кафеға қиради. У ерда дўстларини учратгач, меҳмондорчилик авжига чиқади. Шунда унинг эсига бирданға хотини тушади, кечки оқатта боролмаслигини айтмоқчи бўлиб рақам таради-ю, бироқ хотини тэлефон гўшагини кўтаргунча уйку салтанатига равона бўлади.

РОББИ ПАРВОЗДА

Истеъдодли каскадёр Робби Кенвел яна бир бор бутун Америка қитъаси ларзаға келтирди. У ўзининг навбатдаги мотоциклдаги парвозини отасига бағишлади.

Робби фақат бир нарсани, бу ўйинни телевизорда қузатаётган отасида юрак хуружи тутиб қолишини назардан қочирганиди. Каскадёрнинг икки қизи Кармен ва Кристина Роббининг мотоциклға ўтираётганини кўриб, ўқириб йиғлашдан ўзларини тутолмадилар. Бунға сабаб бор эди: мотоцикл нақ 13 қаватли минора тепасига жойлашганиди.

Робби шу бандликдаги йўлакчадан сакраб, қаршидаги бино томиға кўниши керак эди. Икки ўртадаги масофа 40 метр бўлиб, ҳеч қанақа химоялаш қурилмаси ўрнатилмаганди. Бундай олиб қараганда Роббининг нариги дунёға жўнаши учун барча эҳтимолликлар мавжуд; у йўналишидан бироз бўлсада адашиши ёки ҳавода озгина бўлсада сирғалиб, мувозанатини йўқотиши уни муқаррар ўлимға олиб келарди. —Ҳаётда шундай дақиқалар бўладики, орқаға қайтиш мумкин эмас, - дейди у эсон-омон ерга тушгач.

Унинг бу сакраши жаҳоннинг 18-рекорди бўлиб ўрин олди. Олдингисини Робби Лас-Вегасдаги осмонпарлардан бирида 20 метр масофаға сакраб ўрнатганди. Ушанда у қаршидаги бино тўғри йўналишда бўлмаганлиги учун бироз чапқор буришға мажбур бўлади ва ўзи учун тайёрлаб қўйилган сомон тўлдирилган қопларға бориб урилганди. Бундай сакрашлар Лас-Вегасдан ташқари АҚШнинг бошқа барча шаҳарларда таққиланган.

Фақат Лас-Вегасдаги бундай имконият яратилган. Янаги йил ёзда Робби Лас-Вегасдаги машҳур Катта Каньон устида ўзининг ажал ўйинини намойиш этмоқчи. Кўплар бу Роббининг сўнги рекорди бўлади, деб башорат қилмоқда.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетаға 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саққиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотушда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишға топшириш вақти — 21.00. Топширилди 22.00